Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 18-oktabr, shanba № 127 (3476)

Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ бир ҳикмат бор, ҳар бир кўчаси, майдони ва хиёбонида салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир ғиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мужассам.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 октябр куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастурининг раҳбари Ҳелен Кларкни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, хусусан, БМТ Тараққиёт дастури билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб, долзарб масалалар, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, унинг изчил ривожланишини таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича амалий ташаббусларни илгари сурмоқда.

Суҳбат чоғида сўнгги 20 йилда мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда умумий қиймати 184 миллион АҚШ долларидан зиёд 211 лойиҳа амалга оширилгани қайд этилди. Жорий йилда Ўзбекистонда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган кенг қўламли демократик, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга доир ўттиздан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда.

БМТ Бош котибининг ўринбосари Ўзбекистоннинг иқтисодий ютуқларига, яъни мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш даражаси кейинги 10 йил давомида йилига 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётганига юксак баҳо берди.

Ҳелен Кларк Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Бош котиби Пан Ги Мун номидан шу йил октябр ойининг охирида Урганч шаҳрида бўлиб ўтадиган «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференцияни қўллаб-қувватлашини билдирди. Ушбу халқаро анжуман Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан таклиф этилган ва БМТ Бош ассамблеясининг 68-сессиясида расмий ҳужжат сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»ни амалга ошириш доирасида ўтказилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА

▼Иқтисодиёт

Ишлаб чиқариш корхоналари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида Қашқадарё вилоятида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Модернизация ишлари олиб борилган Китоб туманидаги «East agro international» масъулияти чекланган жамияти бунга мисол. Корхонада бир юз эллик минг АҚШ доллари қийматидаги лойиҳа амалга оширилиб, у энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Корхона кунига 600 тоннага яқин помидорни қайта ишлаш қувватига эга. «East agro international» хўжалигида етиштирилган помидор ҳам шу ернинг ўзида ярим тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда, 220 килограммлик қопларга қадоқланиб, кичик корхоналарга етказиб берилмоқда.

ЎзА.

Суратда: *оператор Мухтор Исломов.*

ЎзА фотомухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат

▼18 октябр — Самарқанд шаҳри куни

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг таровати ва маҳобати кундан-кунга юксалмоқда. Қадим юртнинг асл қиёфасини тиклаш учун мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига қўл урилди. Салобату малоҳатда тенгсиз шаҳар бир кўрмаса бўлмаслик даражасига етди. Бу қайдлар бизники эмас. АҚШнинг «Хаффингтон пост» интернет нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этиши ва ана шу шаҳарлар рўйхатига киритгани эътиборга молик. Қарийб уч минг йиллик шонли тарихга эга шаҳар кундан-кунга ҳар жиҳатдан юксалиб бораётир.

Мафтункор диёр мўъжизалари

Дунёнинг турли минтақаларидаги 14 та шаҳар билан ўзаро меморандум имзолаган бу диёрнинг жозибасини шундан ҳам билса бўладики, у нафақат саёҳатчилар, балки халқаро конференциялар мезбонига ҳам айланиб бораётир. Жаҳон илму донишлари нигоҳига тушган муаззам замин меҳмоннавозликни ўрнига қўяётганлиги билан ҳам тилларда достон бўлаётир.



Самарқанд ҳақида гап кетганда, кейинги йилларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига тўхталмасдан илож йўқ. Миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талабларини ўзида акс эттирган бино ва иншоотларнинг қад ростлаши шаҳар кўркига-кўрк қўшаётир. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ўнлаб корхоналар, муҳташам иншоотлар, турар жойлар, янги таълим ва шифо масканлари, спорт мажмуалари, магистрал ва ҳалқа йўллар, кенг ва равон кўчалар, сўлим хиёбону истироҳат боғлари барпо этилди.

Шаҳардаги Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Ибн Сино, Спитамен, Регистон, Тошкент, Даҳбед, Панжикент, Муқимий кўчалари ва бошқа қатор кўчалар кенгайтирилиб, бир-бирини такрорламайдиган лойиҳалар асосида янги иморатлар тикланди. Сўлим хиёбонлар, биллур фавворалар бунёд этилди. Жаҳон андозасидаги бозорлар қурилди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ошёнига айланган Регистон майдонини қайта яшартириш мақсадида қурилиш, реконструкция ишлари амалга оширилди. Мажмуага кираверишдаги амфитеатр майдони чиройли оқ мармар плиталар билан қопланди. Ҳудудда катта миқёсда электрлаштириш, сантехника юмушлари бажарилди. 5510 квадрат саҳнга эга майдонга қизил гранит тошлари тўшалди. Майдонга жануб томондан кираверишдаги зиналар қизил гранит тошлари билан қопланди. Бутун майдондаги қор ва ёмғир сувларини ўзига сингдириб оладиган 16 та ташнов Ғозғон мармаридан тайёрланган бўлиб, ҳудудга ўзига хос жило бериб турибди. Саёҳатчиларга қулайлик туғдириш мақсадида 1470 квадрат саҳнга эга автомобил тўхташ жойи қурилиб, теварак-атроф замонавий ёритиш мосламалари билан жиҳозланди.

Маълумки, фиқҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига Президентимиз ташаббуси билан рамзий мақбара ўрнатилган эди. Жорий йилда яна бир савоб ишга қўл урилди. Мотуридий ёдгорлик мажмуасини Шоҳи Зинда мажмуаси билан бир тизимга келтириш мақсадида янги йўл қуриб битказилди. Бу келаётган сайёҳларга анча қулайлик туғдириб, айни вақтда янги иншоотлар барпо этиш имконини ҳам берди. «Самийуллойиҳа» МЧЖ томонидан янги йўл қурилиши бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа асосида қуриш ишларига киришилди. Эндиликда мазкур мажмуаларни боғловчи равон ва гулларга бурканган кўчага барчанинг ҳаваси ортаётир. Университет хиёбони билан Тошкент трактини боғловчи Г-34 кўчасида бошланган бунёдкорлик ҳам жадал давом эттирилаётир. Мазкур йўналишнинг хиёбондан Хўжа Аҳрор Вали кўчасигача бўлган қисми қуриб битказилган. Қолган қисмида ҳам ишлар давом этаяпти.

○○○●▶4

▼Футбол

ЙЎЛЛАНМА НАКД

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Мянмада футбол бўйича ўн тўққиз ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатининг чорак финал баҳсида таиландлик тенгқурлари билан куч синашди.

Мазкур баҳсда ғалаба қозонган жамоа мусобақанинг ярим финал ва келгуси йили Янги Зеландияда ташкил этиладиган Жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиши боис учрашув кескин курашларга бой тарзда кечди.

Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги вакилларимиз биринчи бўлимда ҳужумкор ўйин намойиш этди. Ҳисоб ҳам шунга яраша — 0:2. Голлар муаллифи — Забиҳилло Ўринбоев.

Иккинчи бўлимнинг 47-дақиқасида рақибларимиз ҳисобдаги фарқни қисқартиришга эришди — 1:2.

Ўйинда бошқа ўзгариш юз бермади. Шу тариқа Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўз олдига қўйган вазифани уддалади.

Ярим финал учрашувида вакилларимизга КҲДР футболчилари рўбаро келади.

▼Велоспорт

БАНГКОКДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Таиландниг Бангкок шаҳрида велоспорт бўйича ўтказилган Осиё кубогида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

Қитъанинг ўттизга яқин давлатидан ташриф буюрган энг кучли велопойгачилар иштирокида ўтказилган Осиё кубогининг велотрек баҳсларида тажрибали спортчимиз Владимир Тўйчиев гуруҳ пойгасида олтин, шахсий пойгада кумуш медални қўлга киритди.

Шахсий ва гуруҳ пойгаларида қатнашган спортчиларимиздан Дилмурод Сиддиқов биттадан кумуш ва бронза, Екатерина Кнебелёва иккита бронза медалига эга бўлди.

Қизлар ўртасидаги яккалик баҳсларида Алла Безуглова ғазнамизга кумуш медални қўшиб қўйди.

Мусобақанинг жамоавий пойгаларида Владимир Тўйчиев, Сергей Медведев, Тимур Гумиров ва Руслан Фёдоровдан иборат терма жамоамиз шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Ўз мухбиримиз

▼Муносабат

Юртбошимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида айтган пурмаъно сўзлари ҳали-ҳануз қалбимни тўлқинлантирмоқда. Ҳаяжонга тўла учрашувлар юрагида Ватанга муҳаббат жўш урган, яратувчилик, бунёдкорлик, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётган андижонликларни чексиз қувонтирди.

«Ўзимизники деган туйғу одамга куч-қувват бағишлайди»

Фермерларда ерга эгалик ҳиссини кучайтириш, пахтачиликда ҳар бир ҳудуднинг тупроғи ва иқлимига мос навларни экиш, одамларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш масаласига алоҳида урғу берилганлиги зиммамизга катта масъулият юклайди. Мамлакатимизда аграр соҳадаги ислоҳотларнинг бош муваффақияти — фермерлик ҳаракатининг юзага келганлиги ва жадал ривожланганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Тармоқдаги туб ўзгаришларнинг маркази шу ерда, десак янглишмаймиз. Иқтисодиётимиз тараққиёти, турмуш фаровонлиги, қишлоқларимиз ободлиги борасида фермерлар рўёбга чиқараётган ишлар бугун чинакамига ҳаёт ҳақиқатига айланди.

Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 2775 та фермер хўжалиги пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режаларни шараф билан уддалаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Ғаллакорларимиз 80 минг 200 гектар майдонда юксак хирмон уйиб, юзлари ёруғ бўлди. Пахтачиликда ҳосилдорликни 40 центнердан ошириш ташаббуси билан чиқиб, буни амалда исботлаётган фермерлар сафи кенгайди. Эришилаётган натижалар деҳқончиликда катта мактаб яратган андижонликлар учун чегара эмас.

Ҳақиқий фермер, аввало, иқтисодий салоҳиятга эга, харажат билан даромаднинг ҳисобини чақа оладиган, шунга қараб иш кўрадиган бўлиши зарур. Иккинчидан, замонавий агротехнологиялардан, селекция ютуқларидан хабардор бўлмоғи лозим. Учинчидан эса, одамларни ортидан эргаштира биладиган, ташкилотчилик қобилиятига эга киши бугунги кун талабига жавоб бера олади.

Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш имкониятларимизнинг янги қирраларидан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда. Бунинг учун изланиш талаб этилади. Тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб, юрт равнақи, халқимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш йўлида астойдил меҳнат қиламиз.

Фарҳод НАБИЖОНОВ, Андижон вилояти фермерлар кенгашининг раиси

▼Истиқлол шарофати

Мамлакатимиз фахрига айланган «GM — Uzbekistan» қўшма корхонасида янги линияларнинг ишга тушиши натижасида, ходимлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

«GM — UZBEKISTAN»ДА ҲАММАСИ ХОДИМЛАР УЧУН

Корхонамизда меҳнат қилаётган 10219 нафар ишчи-хизматчиларга (уларнинг 383 нафари аёллар) муносиб меҳнат ва дам олиш шароитини яратиш корхона касаба уюшма қўмитаси зиммасидаги асосий вазифалардан биридир. Айниқса, Хоразм вилоятида ишга туширилган корхона филиалида ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Касаба уюшма қўмитаси томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар режаси оғишмай амалга оширилмоқда.

Жумладан, корхона ходимлари тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу кунгача 519 нафар ишчи сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларида кучга тўлиб, даволаниб қайтишди. «Касаба сайр» орқали 50 нафар фаол ишчи-ходим Андижон-Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Тошкент-Андижон йўналиши бўйича 4 кунлик саёҳатда бўлди.

Эътиборли жиҳати, корхона ишчиларига санаторий ва дам олиш уйларига берилаётган йўлланмаларнинг қисман тўлови жамоа шартномасига асосан 45 фоиз ўрнига 20 фоизга туширилди. Яъни, эндиликда йўлланмаларнинг 25 фоизи корхона ҳисобидан қопланаётир.

Ёш авлод тарбияси ва саломатлиги алоҳида эътиборда. Жорий йил ёзги таътилда ишчиларимиз фарзандларидан 1252 нафари, шу жумладан, Асака шаҳар Муқимий МФйда яшовчи эҳтиёжманд, кўп болали оилалар фарзандларидан 117 нафари оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

○○●○▶3

Касаба уюшмалари — ҲУДУДЛАРДА

Эндиликда юртимиз бўйлаб касаба уюшма ташкилотларининг ўз олдига қўйган устувор вазифалари ижроси йўлидаги саъй-ҳаракатлар жараёни билан янада яқиндан танишиш имконига эгасиз.

○●○○▶2

Нафиса МЎМИНОВА, шахмат бўйича юртимиз аёллари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер:

«Ishonch» газетаси орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда касаба уюшмалари тизимида фаолиятга янгича ёндашув натижалари билан кенг қамровли танишиб бориш имконияти бизни қувонтиради. Бундан ташқари, мазкур газетада спортчиларимизнинг юртимиз, шунингдек, халқаро майдонлардаги ютуқлари мунтазам ва тезкор ёритиб борилади. Бу эса бизга қўшимча куч бағишлаб, янги ва юксак марраларга чорлайди.

"Ishonch" — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

2015 йил учун обуна бўлишни унутманг. Нашр индекси — 133

Ishonch
2014-yil 18-oktabr № 127 (3476)

Касаба уюшмалари — ҲУДУДЛАРДА

Сирдарё

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сирдарё вилоят кенгаши касаба уюшма ташкилоти томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури бандларини бажариш мақсадида ходимлар саломатлиги йўлида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётир. Жумладан, ушбу ташкилот бўлим бошлиғи Ҳалима Қаюмовага «Умид гулшани» санаторийсига имтиёзли йўлланма берилди ва у ўз саломатлигини тиклаб қайтди.

Имтиёзли равишда

— Кўпгина ходимларимиз республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида дам олиб, соғликларини тиклаб қайтишди, — дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Ғ.Жумабеков. — Аъзоларимиздан Гулистон шаҳар статистика бўлими ҳисобчиси Нодира Зокированинг ҳам «Умид гулшани» санаторийсида даволаниш истаги билан қилган мурожаати инобатга олиниб, йўлланма тақдим этилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Хоразм

Марказимиз ходимлари имконияти чекланган инсонлар саломатлигини тиклашга қанчалар масъул эканликларини яхши билишади. Касаба уюшмалари томонидан ана шундай ўз касбининг усталари меҳнатини муносиб рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Жамоат ишларида уюшқоқлик билан иштирок этган ходимларимизни қимматбаҳо совғалар билан тақдирладик.

Спорт инвентарлари

Куни кеча касаба уюшма маблағи ҳисобидан марказимизга 450 минг сўмлик спорт инвентарлари харид қилдик. Эндиликда ушбу спорт инвентарларидан ходимларимиз ўз саломатлигини мустаҳкамлашда, бўш вақтини самарали ўтказишда унумли фойдаланмоқда.

Бекзод БОБОЖОНОВ,
Хоразм вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

***

Кейинги йилларда аъзоларни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалий чора-тадбирларнинг кучайтирилгани касаба уюшмалари нуфузини ошириб юборди.

Болалар мамнун

Биз ҳам маъмурият билан келишган ҳолда ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириб келяпмиз. Яқинда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда жамоа шартномаси талабларидан келиб чиққан ҳолда эҳтиёжманд ходимларимиз фарзандлари учун ўқув қуроллари олиб бердик.

Светлана АСҚАРОВА,
«Ипотекабанк» Хоразм филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Навоий

Жамоамизда 80 нафар аъзо бор. Иш берувчининг биз билан фикрдош эканлиги эзгу ишларимизга қанот бахш этаётир. Кейинги 2 йил ичида 10 млн. сўмдан ортиқ қийматга эга бўлган 15 турдаги махсус кийим-кечак харид қилинди. Меҳнат хавфсизлиги бўйича биринчи ёрдам кўрсатиш учун асбоб-анжомлар тахт қилиб қўйилди. Вилоят меҳнат бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ўқув-семинарлар ҳам бугун ўз самарасини бераётир.

Фаолиятимиз кўлами кенг

Эҳтиёжманд оилаларга имкон қадар кўмаклашилмоқда. Шу мақсадда тегишли хонадонларга бориб, уларнинг яшаш тарзи, шарт-шароити ўрганиляпти. Шундай оилалар вакилларидан 14 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

Яқинда жамоа аҳлининг таклифи билан кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирдик. Эндиликда Бухоро вилоятидаги қадамжоларни зиёрат қилиш ниятидамиз.

Хушнутбек ХАИТБОЕВ,
АТБ «Қишлоққурилишбанк» Навоий минтақавий филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Жиззах

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Соғлом бола йили» дастури доирасида ўтказилган акция инсонга наф келтиришдек олижаноб фаолиятнинг амалий ифодаси бўлди.

Орзу ушалди

— Анчадан буён электр печи олишни орзу қилардим, — дейди уй бекаси Феруза Раззоқова. — Касаба уюшмаларининг эътибори туфайли бундай имкониятга эга бўлдим. Биз аёлларга рўзғор ташвишларимизни енгиллаштириш мақсадида электрмаиший техника жиҳозларининг тортиқ қилиниши рўзғор юмушларимизни бир мунча осонлаштирди. Бундай хайрли ишдан чексиз миннатдормиз.

Эътиборли томони, туманимизнинг олис чекка қишлоқларида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд еттита оилага ЎзКУФКнинг 3,5 миллион сўмлик электр-маиший техника жиҳозлари топширилди.

Ҳайдар МУҚУМОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Янгиобод туман кенгаши раиси

Қашқадарё

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чироқчи туман кенгаши аъзоларнинг бўш вақтини мазмунли ва мароқли ўтказишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мазмунли саёҳат

Туман касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди. Дастлаб ҳадис илмининг сўлтони Имом ал-Бухорий мақбараси зиёрат қилинди. Сўнгра саёҳатчилар Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлишди.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ,
Чироқчи тумани Чувиллоқ алоқа бўлими ходими

Жамоа шартномалари амалда

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат фаолиятини оилавий мажбуриятлар билан биргаликда олиб бориш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилган. Ушбу долзарб вазифани бажариш Тошкент вилоятида қандай кечмоқда? Мухбиримизнинг Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар комиссияси раиси Равшаной Ғозиева билан суҳбати ана шу ҳақда.

Хотин-қизлар манфаати доимий назоратда

— Фуқаролик, Оила ва Меҳнат кодекслари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари аёлларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ва тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, — деди Р.Ғозиева. — Чунончи, Меҳнат кодексининг 6-моддасига биноан жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик қобилияти ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларидан қатъи назар меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга йўл қўйилмайди. Шунингдек, мамлакатимиз «Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Халқаро Конвенцияга, Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркак ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида»ги Конвенцияларига қўшилар экан, ўз зиммасига аёлларга нисбатан камситиш сиёсатини юритмаслик мажбуриятини олган. Шу мақсадда аёллар ҳуқуқларининг юридик ҳимоя қилиниши юзасидан тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Вилоятимиздаги корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, улар учун қулай меҳнат ҳамда дам олиш шароитларини яратиш жамоа шартномалари ҳамда келишувлари орқали амалга оширилянпти. Мазкур ҳужжатларга хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, уларга қўшимча имтиёзлар яратиш воситаси сифатида қараляпти.

Шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувларида болаларни соғломлаштириш, асосий меҳнат таътиллари муддати ҳамда аёлларга туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътил кунларини узайтириш, ишлаётган аёлларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш каби масалалар ўз аксини топган.

— Республика Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун имзоланган Бош келишувда аёллар учун қўшимча кафолатлар киритилишига эришилди. Вилоят миқёсидаги ҳудудий келишувда ҳам бу вазифа ўз ифодасини топган бўлиб, унинг амалда бажарилиши қандай кечмоқда?

— Айни вақтда вилоят миқёсида 1 та, туман (шаҳар) миқёсида 38 та келишув имзоланган. Юридик шахслар билан имзоланган 7705 та жамоа шартномаси амал қиляпти.

«Соғлом бола йили» дастури ҳамда мазкур ҳужжатлар орқали камхарж оилалардан 136 нафар хотин-қизга 70 млн. сўмлик электр маиший техника жиҳозлари (кир ювиш машинаси, чанг ютгич ва бошқа турдаги) бепул берилди. Ёш оилаларнинг 13 нафар ишлайдиган аъзолари «Умид гулшани санаторийси»да бепул соғломлаштирилди. Меҳнат кодексининг 232-моддасига мувофиқ 2 ва ундан ортиқ 12 ёшгача ва 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили ҳақ тўланадиган 3 иш кунидан кам бўлмаган қўшимча, 14 календар кунидан иборат иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда вилоят бирлашма кенгаши тасарруфидаги ташкилотларнинг жамоа шартномаларига ҳомиладор ва фарзанд кўрганлиги туфайли аёлларга ҳақ тўланадиган таътиллар муддатини узайтириш, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган аёлларнинг иш вақтини қисқартириш, меҳнат шартномаси бекор қилинганда болалари бор ва ҳомиладор аёлларга қўшимча кафолатлар, кўп болали аёлларга (4 ва ундан ортиқ) тариф ставкаси сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилган иш соатини белгилаш каби бандлар киритилишига эришилди. Шу ўринда фактларга мурожаат этсак. Жорий йилда фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 201 нафар ёш оналарга жамоа шартномалари орқали 27 миллион 680 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги 150 та корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 198 нафар болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди. Эҳтиёжманд оилалар вакилларининг 3418 нафарига (асосан хотин-қизлар) 373 млн. 479 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Дарвоқе, ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларида ҳам хотин-қизлар меҳнатига тааллуқли жиҳатлар анчагина. Жумладан, «Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида»ги 100-сонли Конвенция жинс асосида камситмай белгиланадиган ҳақ тўлаш миқдорига тегишли. «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 103-сонли Конвенцияга биноан эса оналик таътили муддати камида 12 ҳафтани (84 кун) ташкил этиши, таътилда бўлган аёл пул нафақаси ва тиббий ёрдам олиши, эмизикли фарзанди бор ишлаётган аёлга боласини овқатлантириш учун танаффуслар берилиши белгилаб қўйилган.

Юқоридаги конвенциялар талабларининг бажарилиши юзасидан кўплаб жамоа шартномаларига тегишли бандлар киритилган бўлиб, уларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинган.

Аёл — биринчи навбатда она. Уларга қанчалик ғамхўрлик кўрсатилса, эртанги кун кафолати шунчалар мустаҳкам бўлади. Бу эса жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари барча имкониятларни ишга солиб фаолият кўрсатишларини тақозо этади.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

ЯНГИ ЛОЙИҲА АСОСИДА

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги «Қоракўл Кумуш Калава» масъулияти чекланган жамияти тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Бандлик

Навоий шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган «Navbahor tekstil» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги чет эл корхонаси туфайли 200 нафар ёшлар доимий ишли бўлди.

ИНВЕСТИЦИЯ ТУФАЙЛИ

— Жамиятимиз йилига 5 минг 400 тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Жорий йилда тайёрланадиган 1 миллиард 300 миллион сўмлик ип-калаванинг 80 фоизини экспортга чиқаришни режалаштирганмиз, — дейди корхона раҳбари Шерзод Жумаев.

Корхонани ишга тушириш учун 10 миллиард 498 миллион сўм миқдорида чет эл инвестицияси жалб қилинган бўлиб, бу ўзини оқлаши ҳозирданоқ кўзга ташланиб қолди.

Ўз мухбиримиз

Истеъмол бозорига катталар ва болалар учун йигирма турда кийим-кечак етказиб бераётган корхонада навбатдаги лойиҳа амалга оширилди. Эндиликда бу ерда йилига юз минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда. «Асакабанк»нинг молиявий кўмагида янги линиянинг ишга туширилиши қўшимча иш ўринларини яратиш имконини берди.

Суратда: ишчилар Севарахон Дониёрова ва Манзура Жўраева.

ЎзА фотомухбири
Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Бошланғич ташкилотларда

Мустақиллик йилларида қайта чирой очган қадим ва навқирон Қўқон шаҳрида бугун 40 га яқин саноат корхоналари фаолият юритмоқда.

«Қўқон ёғ-мой комбинати» ҳиссадорлик жамияти шаҳардаги йирик саноат корхоналаридан бири бўлиб, бу ерда ишчи-ходимларга ҳавас қилса арзийдиган шароитлар яратилган.

Ижтимоий ҳимоя — эътибор марказида

— Корхонада ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси намунали йўлга қўйилган, иш ҳақи вақтида бериб борилади, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қўқон шаҳар кенгаши раиси Анорхон Умарова. — Касаба уюшма бадаллари ҳам пешма-пеш тўлаб борилмоқда. Маъмурият раҳбари Муҳаммаджон Толиповнинг ходимлар ва касаба уюшма қўмитасини қўллаб-қувватлаши янгидан-янги ташаббусларга қанот бўлмоқда.

Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2013-2015 йилларга тузилган жамоа шартномалари 13 бобдан иборат бўлиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилган.

Меҳнаткашларга муносиб шароит яратиш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш жамоа шартномасининг имтиёз ва кафолатлар бўлимида аниқ кўрсатилган. Ёш ходимларнинг соғлигини ҳимоялаш мақсадида уларни шифохонага ётқизиб, даволаш учун тиббий суғурта полиси орқали иш олиб борилади. Ҳозиргача корхонадаги 22 нафар ходим ўз саломатлигини тиклади.

«Соғлом бола йили» дастури доирасида меҳнаткашлар фарзандларини ёзги соғломлаштириш мавсумида дам олдириш учун 55 та бепул йўлланма ажратилди.

Меҳнат муҳофазаси самарадорлигига эришиш мақсадида 6 ой давомида 23 млн. сўм маблағ сарфланди. Ходимлар махсус кийим, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмоқда. Жамоа белгиланган муддатда бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Хавфсиз иш шароити, зарур чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши натижасида корхонада кейинги йилларда бахтсиз ҳодиса қайд этилмади.

Икки сменада ҳам ишчиларга бепул овқат берилиб, транспорт воситалари ажратилган.

— Заводда 30 йилдан бери меҳнат қиламан, — дейди пресслаш цехи ишчиси Муборакхон Назирова. — Шу корхонада ишлаб, 5 нафар фарзандимни уйли-жойли қилдим. Кейинги йилларда касаба уюшма қўмитаси фаолияти сезиларли даражада яхшиланди. Бу, ўз навбатида, меҳнат самарадорлигига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Қишлоқ саноати

Жомбой туманидаги «JV MAN AVTO — UZBEKISTAN» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона юк машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бошланғич касаба уюшма қўмитаси билан иш берувчи ўртасида имзоланган жамоа шартномасига кўра, 276 нафар ишловчининг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла кафолатланган.

Иш намунали ташкил этилган

— Жамоа ҳаёти ҳамиша назоратимизда, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Маҳмуд Аҳмедов. — Иш жойлари озода, қулай ва соз. Дам олиш хоналарида кўнгилли ҳордиқ чиқариш, қизиқишга қараб телевизор кўриш ёки газета-журналлар ўқиш мумкин. Ишчи-ходимларнинг кийим-кечаклари учун махсус жавонлар ташкил этилган. Замонавий тиббиёт шохобчаси ҳамиша илк тиббий ёрдамга шай. Айниқса, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига катта эътибор қаратилаётир.

Энг муҳим жиҳат, бу корхонада бахтсиз ҳодисалар қайд этилмаганлигидир. Ишчи-ходимлар махсус кийим, пойабзал ва бошқа ҳимоя воситалари ҳамда сут маҳсулотлари билан мунтазам равишда таъминланяпти. Ҳар бир бўлимда техника хавфсизлиги бурчаги ташкил этилган. Цехларда ҳаво алмаштириш ва иситиш тизими мавжуд. Автомобил эҳтиёт қисмлари ва шиналари махсус хоналарда сақланмоқда. Ёнғин хавфсизлиги масаласи ҳамиша диққат марказида.

Сервис ва дилерлик маркази ҳам мавжуд бўлиб, юк автомобиллари тайёр бўлгач, махсус бўлимда техник кўрикдан ўтказилади ва кўргазма залида намойиш қилинади.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири



СИФАТ — ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА

Бугунги кунда жаҳон автомобил бозорида ўз ўрнини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашнинг энг мақбул йўли — сифат тизимининг тўғри ишлашини таъминлаш. Бунда маҳсулот яратилиши билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар, яъни маркетинг, лойиҳалаштириш, технологик бошқарув, таъминот тизими, сифат назорати, сотув ва сервис хизмати кўрсатиш жараёнлари муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис сифат бошқармаси, сифат ва ишлаб чиқариш бошқармалари томонидан автомобилларда нуқсонларни камайтириш бўйича изланишлар бир зум бўлсин тўхтатилмаётир. Ишлаб чиқариш бошқармалари томонидан нуқсонларни ўтказмасликка қаратилган чора-тадбирлар қўлланилаётир, техник ходимларни ўқитиш, аниқланган нуқсонлар бўйича ўз вақтида маълумот алмашиш шулар жумласидандир.

Сифат бошқармасининг сотув олди текшируви бўлими билан ҳамкорлиги «PDI» кўрсаткичи сезиларли даражага туширилиши ҳамда маҳсулотларимизни нуқсонлардан сақлаш имконини бермоқда. Шу билан бирга, корхонамизда турли йўналишларда ўтказилаётган кўрик-танловлар ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва ишчиларнинг ўз ишига бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилаётир.

Корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтказилган «Ўз касбининг моҳир устаси» танлови кутилганидек қизиқарли кечди. Танловда сифат бошқармаси ходими Тўлқинжон Жалолдинов ва коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ходими Шуҳратбек Зокиров ғолиб бўлишди.

Шу ўринда барча ходимлар ўз касбининг устаси, дейилса, асло муболаға бўлмайди. Чунки сифатли автомобил, энг аввало, тажрибали мутахассис ва малакали кадрларнинг заҳматли меҳнати ва қалб қўри эвазига ишлаб чиқарилади.

Абдунаби Бердиқулов, Фахриддин Отахонов, Жамолиддин Мадраҳимов, Қудратбек Рашидов, Муҳиддин Абдуқодиров, Нодирбек Режавалиев каби устозлар ёшларга касб сирларини ўзлаштиришда катта ёрдам бермоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, корхонамизда сифат тўгараклари фаолиятини жонлантириш борасидаги ишлар ҳам бугунга келиб ижобий натижа бера бошлади. Рационализаторлик таклифларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши, изланиш ва интилишлар иқтисодий самара бераётганлигидан хурсандмиз. Албатта, дунёдаги автомобил ишлаб чиқарувчилар ўртасида давом этаётган соф рақобатни ҳисобга олсак, маҳсулот сифатини таъминлаш бундан буён ҳам энг долзарб масала бўлиб қолади.

Ўтган 18 йил биз учун тобланиш даври бўлди. Муваффақиятга эришишда айрим қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Эртанги кунга масъуллик ҳисси бизни бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишга ундамоқда. Энг асосийси, «Сифат — энг устувор вазифа» шиорига қатъий амал қилинмоқда. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик бор экан, ишларимиз бароридан келаверади.

Саидбек МАМАДАЛИЕВ,
корхона сифат бошқармаси директори ўринбосари

«GM — UZBEKISTAN»ДА ҲАММАСИ ХОДИМЛАР УЧУН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жорий йилда корхонамизда 576 нафар коллеж битирувчилари амалиёт ўтади. Уларга бириктирилган усталарга қўшимча иш ҳақи тўлаб борилди. Корхонанинг Хоразм бўлимида яратилган янги иш ўринларига коллеж битирувчиларидан 250 нафари жалб этилди.

Корхонада турли байрамлар муносабати билан цех ва бўлимлар спорт жамоалари ўртасида мунтазам равишда футбол, мини футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, тош кўтариш ва арқон тортиш турлари бўйича мусобақа ва турнирлар ўтказиб келинмоқда. Муҳими, ходимлар гимнастикасига эътибор кучайиб, иш куни бошланишидан аввал 10 дақиқа мобайнида барча ходимлар махсус тайёрланган мусиқа остида гимнастика машқларини бажариши йўлга қўйилган.

Бахтсиз ҳодисалардан холи, хавфсиз ишлаб чиқариш муҳитини яратиш ўта муҳим. Корхона касаба уюшма қўмитаси ва меҳнат муҳофазаси бўлими ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан жамоатчилик назорати олиб борилаётгани ўз натижасини бермоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан ўтказилган республика кўрик-танловида йиғув цехи ишчиси, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил Мадраим Акимов «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил» номинацияси бўйича 2-даражали диплом билан тақдирлангани барчамизни қувонтирди.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига бағишлаб Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва «Ўзавтосаноат» уюшмаси ҳамкорликда тармоқ корхоналари ўртасида ташкил этган кўрик-танловда «Ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ишлаб чиқариш маданияти ва эстетикасини яхшилаш бўйича энг яхши ташкилот» номинацияси бўйича «GM — Uzbekistan» ЁАЖ корхонаси 2-ўринни эгаллади.

Хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиш ходимларни ўқитиш-ўргатиш ва назорат қилиш орқали янада мустаҳкамланади. Корхонада жорий йил 22-26 сентябр кунлари «Глобал хавфсизлик ҳафтаси» тадбири ўтказилди. Ҳафталикда энг фаол қатнашган цех ва бўлимлар фаолияти комиссия томонидан таҳлил қилиниб, ғолиблар аниқланди, улар диплом, қимматбаҳо совға ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилаяпти. Жумладан, эҳтиёжманд ходимлардан 315 нафарига касаба уюшма бюджети ҳисобидан 15250,4 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Йил давомида 50 нафар ишловчи ёш оилаларга намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй-жойлар учун ипотека кредити тақдим этилди.

Замон талабига мос иш жойлари, мураккаб техникаларда эмин-эркин ишлаш имконияти яратилганлиги туфайли корхонамизда ишлаш орзуси билан яшаётган ёшлар тобора кўпайиб бормоқда.

Мирфозил ОЛИМОВ,
«GM — Uzbekistan» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси, «Эҳтиром» нишони соҳиби

2013 йил давомида 10 млн. соат йўқотишсиз иш ташкил қилиниб, «GM» корхоналари ичида энг яхши кўрсаткичга эришганимиз биз учун катта воқеа бўлди.

КОРХОНАЛАР ИЧИДА ПЕШҚАДАМ

Бу натижага эришишда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларининг тўлиқ бажарилиши асосий омил бўлганлигини алоҳида эътироф этиш даркор.

Яқинда корхонамизга «GM» компанияси «GMIO» ишлаб чиқариш бўлими томонидан ютуғимизни тасдиқловчи махсус сертификат топширилди.

Корхонамиз ишчи-ходимлари бу муваффақиятни жорий йилда ҳам такрорлаш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

Шуҳрат АСАМУТДИНОВ,
меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳаракат хавфсизлиги бўлими бошлиғи

КОНСТРУКТОРЛИК — МУРАККАБ ЖАРАЁН

Асбобсозлик цехимиз қошида 2006 йилда ташкил этилган «Конструкторлик бюроси»да конструктор ва технологлардан иборат гуруҳ фаолият кўрсатади. Мақсад — қўшма ва маҳаллий деталлар етказиб берувчи корхоналарга ёрдам кўрсатиш, Жанубий Кореядан келтириладиган эҳтиёт қисмларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилишини таъминлашдан иборат. Маҳаллийлаштириш ва харид қилиш бўлими буюртмалари асосида иш олиб борилади. Бундан ташқари, пресс цехидаги катта штамплар, яъни қолип деталлари синганда улар бўйича лойиҳалар тайёрлаб, дастур ишлаб чиқилади.

Ишларимиз компютерлар асосида олиб борилади. Бунинг учун чизмани тушуниш талаб қилинади. Бу жуда қийин жараён. Конструкторларимиз Муроджон Ёқубов, Алишер Султонов, Баҳромжон Насриддинов, Дониёрбек Исомиддиновлар «CATIA V 5» дастури бўйича иш олиб боради. Технологлар гуруҳи томонидан эса дастгоҳга туширилади.



Конструкторлик машинасозликда алоҳида ўрин тутадиган соҳа бўлганлиги учун ёшларимизнинг қизиқиши ўзгача. Шуниси ҳам борки, конструкторнинг ўзида алоҳида қобилият, уқув бўлмаса, касбни ўзлаштириш қийин. Бу касб доимо изланишни, юқори аниқликда ишлашни тақозо этади. Чунки, биргина хато меҳнат ва сарф-харажатга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис ҳам цехимизга алоҳида танлов, имтиҳон асосида ишчилар қабул қилинади. Муайян синов муддати белгиланади. Ўз вақтида биз ҳам Жанубий Корея мамлакатига бориб, иш ўрганиб қайтганмиз.

Мақсадимиз — ёшлар орасидан малакали конструктор кадрлар етиштириб чиқариш.

Раҳмонжон ЖЎРАЕВ,
«GM — Uzbekistan» қўшма корхонаси катта конструктори

Ҳар йили Мустақиллик байрами мен ва оиламиз учун қўшалоқ айёмга айланади. Чунки мен 1991 йилнинг 2 сентябр куни таваллуд топганман. Истиқлол тенгдоши эканлигимдан фахрланаман. Бугун юртимизда ёшларнинг ўқиб-изланиши, меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилган. Қайси гўшага борманг, бунёдкор авлод учун яратилган имкониятларнинг гувоҳи бўласиз.

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИМАН

Қатор соҳалар сингари автомобилсозликда ҳам ёшларимиз фидойилик кўрсатишмоқда. Асака автомобилсозлик касб-ҳунар коллежида ўқиб, заводда амалиёт ўтаётган кезларим моҳир усталар ишидан ҳайратланардим. Улардек бўлишни қанчалар истаганимни сўз билан ифодалай олмайман. Астойдил ҳаракат қилиб, асбобсозлик цехи усталарининг ишончини қозондим. Ўқишни тамомлагач, танлов асосида шу цехга ишга қабул қилиндим.

Ҳозирда «DiE RETPAIR» бўлимида мустақил иш олиб боряпман. Бунга қадар устозларим Мусажон Маҳмудов, Абдураҳим Орифжонов, Ҳасанбой Муҳаммаджоновлардан иш ўргандим. Сифат тўгарагига аъзо бўлиш ниятим бор. Рационализаторлик таклифлари ҳеч менга тинчлик бермайди. Балки вақти келиб, менинг таклифларим ҳам ишлаб чиқаришга жорий этилар.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги ёш укаларимга, касб-ҳунар коллежи талабаларига пухта билим олиш, вақтларини беҳуда сарф этмасликларини, янгиликка интилиб яшашни маслаҳат бераман. Астойдил қилинган ният, албатта, амалга ошади. Буни мен ўзимда синовдан ўтказдим.

Муҳаммаджон АБДУЛҲАМИДОВ,
цех ишчиси

«ДАМАС»ЛАР ХОРАЗМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Юртимизда автомобилсозлик соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилаётгани боис, ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. «GM — Uzbekistan» ЁАЖнинг жаҳон бозорида нуфузи тобора юксалиб бораётганлиги ишчи-ходимларнинг меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Заводнинг Хоразм филиали ишга туширилиши ва 2014 йилнинг 1 январидан «Дамас» автомобилларини шу ерда йиғиш ва ишлаб чиқарила бошланиши катта воқеа бўлди. Завод қурилиши икки босқичда амалга оширилиши режалаштирилган.

Ҳозирги кунда завод қурилишини якунлаш, яъни пайвандлаш ва бўёқлаш цехларини ишга тушириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Корхонамизда 643 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатаётир. Улар режа асосида босқичма-босқич Асака заводида малака оширмоқда.

Филиалнинг ишга тушиши натижасида кўплаб хоразмлик ёшлар иш билан таъминланди. Хоразмда маҳаллий бутловчи қисмларни етказиб берувчи корхоналар ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, шунга асосан «GM — Uzbekistan» ЁАЖнинг Андижондаги «ЎзТонгХонгКо» қўшма корхонасининг «Дамас» автомобилига ўриндиқлар ишлаб чиқарувчи Питнак шаҳрида барпо этилган филиали ишга туширилиши бизни жуда қувонтирди.

Ҳозирда ушбу корхонада 109 нафар ишчи-ходим йиғув, пайвандлаш, робот, бўёқлаш линияларида фаолият кўрсатаётир. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Коллежларда автомобилсозлик йўналишлари ташкил этилиши заводимизнинг етук мутахассислар билан таъминланишида муҳим омил вазифасини ўтайди.

«Дамас» автомобиллари энди Хоразм заминида ишлаб чиқарилади. Биз хоразмликлар бу хайрли иш билан фахрланамиз ва ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Собиржон ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм филиали раҳбари

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Qishloq Qurilish Bank

Жорий йилда Бухоро маиший хизмат кўрсатиш ва сервис коллежини тамомладим. Ёшлигимдан тадбиркорлик билан шуғулланишни орзу қилардим. Ниятим ушалди. «Фирдавс паррандачилик маҳсулотлари» оилавий корхонасини ташкил этдим. Коллежда олган билимларим ва кўникмаларим асқотиб, паррандачилик билан шуғуллана бошладим.

Ёш тадбиркор — элга мададкор

Аввалига, аҳолига оз бўлса-да тухум ва товуқ гўшти маҳсулотларини етказиб бера бошладик. Талаб ортгани, қолаверса, замонавий технологияларга зарурятнинг сезилаётгани фаолиятимизни кенгайтириш ва ривожлантириш лозимлигини кўрсатди.

Дастлаб, тижорат банкларида тадбиркорларга ажратиладиган кредитларнинг миқдори, фоизлари, муддатлари тўғрисидаги маълумотлар билан қизиқдим. Менга АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Галлаосиё филиалининг ёш ишбилармонларга кўрсатаётган хизматлари ва билдираётган ишончи жуда маъқул бўлди.

Банк ходимлари кредит олишда керак бўладиган ҳужжатлар ҳамда ишни тўғри ташкил этишда зарур маълумотларни тақдим этишди. Тез





кунда фаолиятимизни ривожлантириш борасидаги бизнес-режамиз ўрганилиб, корхонага 25 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Банкнинг молиявий маблағи туфайли бугун ишлаб чиқариш ҳажми ортди, мижозларимиз сони янада кўпайди. Натижада, жорий йил бошидан шу бугунги кунгача 7 млн. сўм соф даромад олишга эришдик. Қувонарлиси, 3 та янги иш ўрни яратилди. Шундан, 1 нафари мен каби коллеж битирувчиси.

Давлатимиз томонидан ёш тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашилаётгани, қўллаб-қувватланаётгани ўз самарасини бераяпти. Эндиликда, ёшлар бизнес лойиҳаларини янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш кўламини ошириш, энг муҳими, янги иш ўринлари яратишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Соғлом рақобат ва тадбиркорликнинг жадал ривожланиши натижасида ўзимизда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳам ҳажм, ҳам сифат жиҳатидан яхшиланиб бораётир.

Ҳозирда янги лойиҳаларни амалга ошириш устида изланмоқдаман. Мен тенги ёшларнинг ўз бизнесига эга бўлишларида яқиндан ёрдам бераётгани учун АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ига ва унинг малакали ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Бехруз КЕНЖАЕВ,
«Фирдавс паррандачилик маҳсулотлари» оилавий корхонаси раҳбари,
Бухоро вилояти

Таълим

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашларини таъминлаш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Муваффақият гарови

1996 йил ташкил этилган коллежимизда кўплаб фан доктори, фан номзоди ҳамда юқори малакали ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда.

Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ахборот технологияларидан мукаммал фойдалана оладиган ёшларни тарбиялаш, уларни турли ахборот хуружларидан ҳимоялашга қаратилган қатор ишлар олиб борилмоқда. Коллежнинг барча тузилмалари ягона компютер тармоғига ва интернетга уланган. Дарслар турли фанларга ихтисослашган хоналарда, замонавий педагогик технологиялар асосида олиб борилади.

Коллеж бир қанча етакчи хорижий давлатлар, жумладан, Япония, Германия, Исроил, Ҳамдўстлик мамлакатларининг ўқув юртлари ва иқтисодий тузилмалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Эътиборли томони, муассасамиз республикамизнинг бошқа коллежлари учун ўқув дарсликлари ва дастурларини ишлаб чиқаради. Ўқув жараёнида иқтисодий билимлар билан бир қаторда, республикамиз тарихи, маънавий билимлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, соғломлаштириш дарслари ҳам намунали йўлга қўйилган. Ўқувчиларимиз турли йўналишлар бўйича бўлиб ўтадиган олимпиада, конференция ва танловларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаётир.

Шу каби саъй-ҳаракатлар натижасида коллежимиз битирувчиларига талаб ортиб, улар молия тизимлаларида, жумладан, Марказий банк, Миллий банк ва бошқа ташкилотларда муваффақиятли ишлаб келишаяпти.

Ваҳобжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент банк коллежининг Банк кафедраси ўқитувчиси

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 18-oktabr № 127 (3476)



Мафтункор диёр мўъжизалари

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Кейинги йилларда Самарқандга таъриф берилаётганда, албатта, бунёд этилаётган фавворалар ҳам тилга олинади. Шаҳар ҳуснига зеб, атрофга гўзаллик, сокинлик бахш этиб турган фавворалар сони 200 тага етиб қолди. Регистон Руҳиобод майдонларидаги, Университет хиёбонидаги мўъжизакор фавворалар нафақат гўзал манзара, балки орасталикка ҳам ошён бўлмоқда.

Самарқанд шаҳрини 2025 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош лойиҳаси асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Мавжуд маданият ва истироҳат боғлари реконструкция қилиниб, қайта қурилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Сўғдиёна» маданият ва истироҳат боғи капитал таъмирдан чиқди. Ўтган фурсат боғ ҳудудида икки миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ҳудуддан 70 тоннадан ортиқ чиқиндилар чиқариб ташланди ҳамда серуним тоза тупроқ келтирилди. 3,5 минг квадрат метр майдон ободонлаштирилди. Истироҳат боғига 15 турдаги аттракционлар ўрнатилди. Хусусий тадбиркорлар томонидан 2 та стол тенниси, тир, 2 та мини футбол майдони, авторалли ўйинлари ташкил этилган. Мўъжазгина амфитеатр фаолияти йўлга қўйилди.

— Мазкур боғга ёндош маҳаллада яшаймиз, — дейди фуқаро Акрам Худойбердиев. — Бу ерда ўзимиз ҳам, болажонларимиз ҳам яйраб дам олишаётир. Айниқса, катарантус, юка ва сиренада гулларидан кўз қувнайди. Боғнинг мусаффо ҳавоси доимо чорлайверади кишини.

Самарқанд — туризм шаҳри. Нафақат чет эллик, балки диёримизнинг турли минтақаларида яшовчи фуқаролар ҳам бой маданий меросдан баҳра олишга интиқ. Ташриф буюрувчилар учун барча шароит муҳайё. Айни чоғда юзга яқин меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда. Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк Ипак йўлида сайёҳликни ривожлантириш бўйича минтақавий марказ фаолияти йўлга қўйилди.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгашининг Самарқандда бўлиб ўтган 99-сессияси иштирокчилари туризм истиқболи учун қилинаётган ишларга таҳсинлар айтишди. АҚШ, Буюк Британия, Испания, Хитой, Жанубий Корея, Япония ва бошқа бир қатор ривожланган давлатлар мутахассислари Самарқанд нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида туризм ривожи бобида ўзига хос нуфузга эканини қайд этишди.

— Самарқанд ҳақида ўқиганларим, тарихий ёдгорликларни телевизорда кўрганларим бу замин тароватидан бир шингил экан, — деди Тинч океани минтақаси ёзувчилари саёҳати уюшмаси бош котиби Видия Сагар Ахлувалия журналистларга берган интервюсида. — Бу тарихий шаҳар менга жуда ёқди. Айниқса, Регистон майдони, Амир Темур мақбараси, Бибихоним обидаларини ҳайрат ила кўздан кечирдим. Инсон ақл-заковатининг меваси бўлмиш бу буюк мерос билан ҳар қанча фахрланса оз.

Шаҳарда экологик муҳит мусаффолигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу масалада наботот оламини ривожлантириш, яшилликни кўпайтириш, турли довдарахтлар ўтқазиш одатий ҳолга айланган. Бундан ўн йил илгари шаҳарни ландшафт меъморчилиги асосида ободонлаштиришга киришилган эди. Иқлимни таъминловчи, кўчаларга хушманзаралик бағишловчи дарахтлар сони кўпайди. Апрел-май ойида қийғос гулга кириб йил бўйи ўз тароватини йўқотмайдиган каштанлар маҳаллий шароитда гуркираб ривожланаяпти. Икки минг йилгача умр кўрувчи табиатнинг бу мўъжизаси кўчаларга зеб бермоқда.

Кун сайин янгиланиб, чирой очаётган Самарқанд таърифу-тавсифини қанча келтирсакда, оз. Диёримиздаги қадимий шаҳарга нафақат юртдошларимиз, балки дунё аҳлининг меҳри тушгани ҳам рост.

— Дунё дурдоналари орасида Самарқандниг нуфузи ҳам, ўрни ҳам бошқача. Бу замин тузини тотган одам такрор ва такрор унга интиқ бўлаверади, — дейди Самарқандда бўлган Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти Харри Талига. — Хусусан, ўзим тўртинчи бор Самарқандга ташриф буюришим. Ҳар гал қадимий обидалар қаршисида ўйга чўмаман. Буюк аждодларингиз ақли заковатига таҳсинлар айтаман. Бунинг ҳаммаси тинчлик шарофати. Халқингизнинг бунёдкор руҳи шаҳар-у қишлоқларда намоён бўлиб турибди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги 192-сонли қарорига асосан «Иссиқлик манбаи» акциядорлик жамияти ҳамда «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 18 ноябр куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Бухоро вилояти «Иссиқлик манбаи» акциядорлик жамиятининг 2014 йил 16 октябрдаги 642-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулк объектлари лот тартибида қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, А.Яссавий кўчаси (42-МТМ ҳудуди) да жойлашган умумий — ер майдони 108,93 кв.метр, қурилиш майдони — 108,93 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 38 500 000 сўм.**

2-ЛОТ. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, А.Яссавий кўчаси (Бухоро ДУ Музфак ҳудуди) да жойлашган умумий ер майдони — 67,99 кв.метр, қурилиш майдони — 67,99 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 37 500 000 сўм.**

3-ЛОТ. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Ширбудин кўчаси ҳудудида жойлашган умумий ер майдони — 41,9 кв.метр, қурилиш майдони — 41,9 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 13 000 000 сўм.**

4-ЛОТ. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, А.Набиев кўчаси (Бухоро вилоят кордиология диспансери ҳудуди)да жойлашган умумий ер майдони — 290,16 кв.метр, қурилиш майдони — 290,16 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 121 000 000 сўм.**

5-ЛОТ. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Б.Нақшбанд ва Олмазор №12 кўчалари кесишувида жойлашган умумий ер майдони — 174,25 кв.метр, қурилиш майдони — 174,25 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 65 000 000 сўм.**

6-ЛОТ. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Калмокон МФЙ, Навоий кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 345,0 кв.метр, қурилиш майдони — 130,51 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 53 000 000 сўм.**

7-ЛОТ. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Калмокон МФЙ, Навоий кўчасида жойлашган умумий — ер майдони 1530,0 кв.метр, қурилиш — майдони 174,4 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 41 500 000 сўм.**

8-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Ф.Хўжаев МФЙ, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган умумий — ер майдони 2580,6 кв.метр, қурилиш майдони — 309,0 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 94 000 000 сўм.**

9-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Гулистон МФЙ, Ф.Эшпўлатов кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 120,9 кв.метр, қурилиш майдони — 120,9 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 33 000 000 сўм.**

10-ЛОТ. Бухоро вилояти, Жондор тумани, С.Айний кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 148,4 кв.метр, қурилиш майдони — 148,4 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 59 000 000 сўм.**

11-ЛОТ. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Беруний кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 245,5 кв.метр, қурилиш майдони — 245,2 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 65 000 000 сўм.**

12-ЛОТ. Бухоро вилояти, Жондор тумани, М.Таробий кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 280,0 кв.метр, қурилиш майдони — 280,0 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 85 000 000 сўм.**

13-ЛОТ. Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Чекирчи МФЙ, Халқлар Дўстлиги кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 4950,96 кв.метр, қурилиш майдони — 381,78 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 169 000 000 сўм.**

14-ЛОТ. Бухоро вилояти, Олот тумани, Нонимас МФЙ, Нурафшон кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 1287,24 кв.метр, қурилиш майдони — 125,93 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 53 000 000 сўм.**

15-ЛОТ. Бухоро вилояти, Олот тумани, Нонимас МФЙ, Янгиобод кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 1428,0 кв.метр, қурилиш майдони — 325,36 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 122 000 000 сўм.**

16-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Х.Олимжон кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 51,0 кв.метр, қурилиш майдони — 51,0 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 13 500 000 сўм.**

17-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Чорикулбой кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 48,0 кв.метр, қурилиш майдони — 48,0 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 20 000 000 сўм.**

18-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, F.Ғулом кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 1400,0 кв.метр, қурилиш майдони — 280,0 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 125 500 000 сўм.**

19-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, А.Темур кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 1074,0 кв.метр, қурилиш майдони — 108,0 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 42 000 000 сўм.**

20-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Дўстлик МФЙ, F.Ғулом кўчасида жойлашган умумий ер майдони — 86,0 кв.метр, қурилиш майдони — 57,6 кв.метр бўлган қозонхона бино ва иншоотлари — **Бошланғич баҳоси 15 500 000 сўм.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари 2014 йил 17 ноябр кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

2014 йил 18 ноябр кунида аукцион савдолари бўлиб ўтмаган кўчмас мулк объектлари бўйича такрорий аукцион савдолари 2014 йил 25 ноябр ва 2014 йил 2 декабр кунлари соат 11:00да ташкил қилинади.

2014 йил 25 ноябр кунидаги савдолар учун буюртманомалар 2014 йил 24 ноябр кунига, 2014 куни 2 декабр кунидаги савдолар учун буюртманомалар 2014 йил 1 декабр кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 гача расмий иш кунлари қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali, х/р: 20208000500234536002, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк БВМФ МФО: 00115, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Буюртманоманларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — **«REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali.**

Манзили: 200100, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия: RR 0170.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz, e-mail: rc.group@inbox.ru, тел: + 99865 221-59-24.

Хизматлар лицензияланган.

ОАО «Иссиқлик манбаи»

1.	Здания и сооружения котельной	г. Бухара, ул. А. Яссавий	0,35	0,08
2.	Здания и сооружения котельной	г. Бухара, ул. А. Яссавий (детский сад № 42)	0,60	0,10
3.	Здания и сооружения котельной	г. Бухара, ул. Гулшан, 2	0,40	0,09
4.	Здания и сооружения котельной	г. Бухара, ул. Сувчилар	0,50	0,08
5.	Здания и сооружения котельной	г. Бухара	0,35	0,08
6.	Здания и сооружения котельной	Ромитанский р-н, ул. Чорикулбой	0,04	0,02
7.	Здания и сооружения котельной	Ромитанский р-н, ул. Г. Гуляма	0,24	0,08
8.	Здания и сооружения котельной	Ромитанский р-н, ул. А. Темура	0,08	0,02
9.	Здания и сооружения котельной	Ромитанский р-н, ул. Бахористон	0,05	0,02
10.	Здания и сооружения котельной	Джандорский р-н, ул. Беруний	0,24	0,11
11.	Здания и сооружения котельной	Джандорский р-н, (на территории школы № 2)	0,17	0,03
12.	Здания и сооружения котельной № 2	Жондорский р-н	0,31	0,15
13.	Здания и сооружения котельной № 2	Каракульский р-н	0,35	0,31
14.	Здания и сооружения котельной № 1	Алатский р-н	0,3	0,16
15.	Здания и сооружения котельной № 2	Алатский р-н	0,12	0,12
16.	Здания и сооружения котельной № 1	Гиждуванский р-н	0,12	0,06
17.	Здания и сооружения котельной № 2	Гиждуванский р-н	0,28	0,35
18.	Здания и сооружения котельной	Шафирканский р-н, ул. А. Навои (на территории музыкальной школы)	0,13	0,04
19.	Здания и сооружения котельной	Шафирканский р-н, ул. А. Навои	0,17	0,15
20.	Здания и сооружения котельной	Вабкенский р-н, ул. Г. Гуляма	0,17	0,15

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан «Морж» жисмоний тарбия-соғломлаштириш хайрия жамиятига берилган 104-сонли Гувоҳнома (14.01.1999) ва «Морж» жисмоний тарбия-соғломлаштириш хайрия жамияти Устави йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси институт касаба уюшма қўмитаси раиси Абдужаббор Хушбақтовга синглиси

АСАЛХОНнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

▼Илҳом

ШУКРОНА

Уйғон эрта тонгда шукрона айтиб,
Кўзинг кўраяпти ёруғ дунёни.
Сен ахир тириксан, сен ахир соғсан,
Шу эмасми асли саодат они?!

Ношукур бўлма, бу нодоннинг иши,
Етиб бўлмас нолимоқ-ла муродга.
Гар ишни бошласанг шукрона айтиб,
Албатта, етасан орзу-ниятга!

Мадина ШОАБДИЕВА,
Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат рақобат қўмитасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги давлат активи қўйилади:

Жиззах вилояти, Фориш тумани, Эгизбулоқ КФЙ, Оқтом қишлоғи ҳудудида жойлашган, Фориш тумани ҳокимлигига қарашли эски савдо дўкони биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

умумий ер майдони — 179,3 кв.м.; бино ва иншоотлар эгаллаган ер майдони — 179,3 кв.м.

Бошланғич нархи: 19 800 000 сўм.

Балансда сақловчи: Фориш туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй. Тел: (8-372) 222-34-16. Интернет тармоғидаги вебсайт: www.1kms.uz. Электрон почта: **rieltsavdo@inbox.uz.**

Аукцион савдоси 2014 йил 18 ноябр куни, соат 10-00да «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали биносидаги мажлислар залида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 3 ,19 декабр, 2015 йил 7 январ кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан савдо ташкилотчисининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилоят филиали, х/р:22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 39-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-372) 222-34-16. Факс: (8-372) 222-34-16.

Электрон почта: **rieltsavdo@inbox.uz.** Интернет тармоғидаги вебсайт: **www.1kms.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.**

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўрикланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Яшнаобод (собиқ Ҳамза) тумани, Зумрад ва Хосият кўчалари, 58-ҳарбий шаҳарчада жойлашган база бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони — 663 кв.м.

Бошланғич нархи — 833 123 300 сўм.

Балансда сақловчи: «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси.

Фаолияти ихтисоси: Ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел/факс: (8-371) 228-84-48. веб сайт; **www.1kms.uz.** электрон почта: **rieltsavdo@inbox.uz.** Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 24 ноябр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 9, 23 декабр ва 2015 йил 6 январ кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали; х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: **rieltsavdo@inbox.uz.** Интернет тармоғидаги вебсайт: **www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.**

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўрикланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: Z.Rixsiyev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -22.35
Topshirildi -23.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 1015 | 13831 nusxada bosildi | 1 3 4 5